

МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БЎЛИШ ЮРТБОШИМИЗ ЭЪТИБОРИДА!

...Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу-Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги кунда босма нашрларни таълим муассасаларига, ўқитувчи-профессорларга етказиб бериш ҳам жиддий муаммага айланган. Чунки бу борада матбуот тарқатиш ва почта тизимининг фаолияти мутлақо талабга жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан.

“TARAQQIYOT” газетасига обуна давом этмоқда!



Мухтарам Президентимизнинг афсус билан билдирган фикрлари замондан орқада қолмайин, деган ҳар бир поғонадаги раҳбар, ҳар бир зиёли, умуман барча фуқаролар учун ўғит, тавсия деб ўйлаймиз. Чунки, бугун Янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасидаги давлатимиз сиёсатини, халқимизнинг азму қарорини тарғиб қилаётган босма матбуот нашрлари бизни олга қадам ташлашимизга ундовчи кучли ва таъсирчан маънавий мададқордир.

2021 йилда ҳам Сизга маънавий ҳамроҳ бўладиган “TARAQQIYOT” газетасига тезроқ обуна бўлинг. Обуна (АТ Агро банк Қизирқ филиали, х/р 20210000500425462001, МФО 00345, ИНН 201391291) пул ўтказиш ёки таҳририятга нақд пул тўлаш асосида амалга оширишмоқда. 1 дона газетанинг нархи эса анча арзон – 120.000 (Бир юз йигирма минг) сўм.

Туман ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий нашри-“TARAQQIYOT”га обуна бўлишга шошилинг!

Ўзбек тили байрами тантаналари



ТИПИМИЗ ҚАДРИ, АМАПАТИМИЗ ҚАДДИ БАМАНДА БЎПАВЕРСИН!

Бугун мамлакатимиз бўйлаб ўзбек тили байрами қизгин нишонланмоқда. Жумладан Қизирқ туманида ҳам байрам тантаналари дастлаб маданият бўлими қошидаги аҳоли дам олиш масканида бошланди.

Масканга кираверишида мактаблар ва “Баркамол авлод” маркази ўқувчилари томонидан тайёрланган миллий хунармандчилик кўргазмалари, она тилимиз тўғрисидаги бадий ва илмий адабиётлар, буюк мутафаккир, туркий тил нуфузини жаҳонга ёйган Мир Алишер Навоий ҳазратларининг “Хамса” ва бошқа асарлар кўргазмалари намойиш этилди.

Жамоатчилик вакиллари, ёшлар, мактабларнинг ўзбек тили ва адабиёти фанлари ўқитувчилари вакиллари, нуруний отахон ва онахонлар иштирокидаги тантанали маросим очик деб эълон қилинган, туман ҳокимининг ўринбосари Раҳматов Зафар Мамашарипович йиғилганларни Она тили байрами билан табриклади:

Ассалому алайкум, ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Аввало Сизларни миллий давлатчилигимиз ва ўзлимиз тимсоли бўлган Она тилимиз байрами билан қизгин ва самимий муборакбод этаман.

Яхши биласизларки, бундан 31 йил аввал, яъни ҳали мустақилликка эришилмаган ва мустабид тузум ҳукмрон бўлиб турган шароитда халқимиз иродаси ва давр тақозоси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги тарихий ҳужжат қабул қилинган эди. Бу воқеадан кўп ўтмасдан эса Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинди. Утган давр мобайнида Мустақиллигимиз ва Она тилимиз даврнинг долғали йўлларида ўтиб, бугунги доруломон кунларимизга етиб келди.

Айтиш керакки, она тилимизни ривожлантириш борасида кўпбал илмий ва амалий ишлар қилиб келинди. Мактаб таълимида лотин алифбоси жорий қилинди. Дарсликлар, бадий ва бошқа адабиётлар ана шу алифбада chop этилиб келинмоқда.

Лекин, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев она тилимиз ҳақида ҳамон етакчи ўрин эгалламаётганидан ташвишга тушиб, унинг нуфузини ошириш заруригига эътиборни қаратдилар. Юртбошимиз таъкидладиларки, ҳар қандай мустақил давлат мустақкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади. Бу пойдеворнинг асоси эса давлатчи-

чилигимиз ва ўзлимиз тимсоли бўлган она тилимиздир. 2019 йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлишига бағишланган йиғилишдаги нутқларида Президентимиз тилимизни ривожлантириш борасида муҳим йўл-йўриқларни берган эдилар ва 21 октябрь кунидеяк “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва макенини тўдан ошириш тўғрисида”ги фармон, 2020 йил 20 январда “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори қабул қилинган, бу муҳим ҳужжатларда миллий давлат тилимизга тўла-тўқис амал қилиниши, уни ўрганиш ва ўқитишни такомиллаштиришга қаратилган вазифалар қатъий белгилаб қўйилди. Шуларга қура давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш буйича республика департаменти ва туманлар ҳокимларининг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш буйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев она тилимизнинг нуфузи ва макенини ошириш вазифасини белгилаб бериш билан бирга, бу вазифа ижросининг амалий ташаббускори бўлганликларининг гувоҳи бўлдик. Яъни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясида 23 сентябрь кунини сўзга чиққан юртбошимиз Ўзбекистон Республикасининг

расмий давлат тилида маъруза қилганликлари бугун дунё ҳамжамиятини лол қолдирди. Халқимиз эса Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришилганига қанчалик қувонган бўлса, жаҳон минбаридан соф ўзбек тилида янраган оташин каломдан шунчалик гуруланди ва шодланди. Айни пайтда дунё сиёсатчилари, давлат раҳбарлари, олимлар ўзбек тилида жаҳон минбаридан илк бора янраган бу тарихий нутқда илгари сурилган глобал аҳамиятга молик бўлган тақдирларни эътироф этиб, Ўзбекистон раҳбарининг кучли сиёсатдонлигига ва теран ақл-идроқига тан бермоқдалар.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Шу йил 31 август кунини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирида Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида миллий давлатчиликнинг она тилимизни ривожлантириш энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қўлишини айтиб, “Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз микёсида кенг нишонлаймиз” деган эдилар. Мана, бугун ана шу кўтлук кунга етиб келдик. Сизларни ва Сизлар орқали туманимизнинг барча фуқароларини, азиз ўғил-қизларни Она тилимиз байрами билан яна бир бор қизгин табриқлайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлингизлар,

тилимизга, ватанимизга бўлган саноқатимиз янада мустақкам бўлаверсин!

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси ижро этилган, тантананинг бадий қисми бошланди. Туман маданият уйининг санъаткорлари, “Баркамол авлод” маркази, туман мусика ва санъат мактаби ўқувчилари иштирокидаги концерт дастури барчанинг қалбига қувонч бағишлади.

Пандемия карантини даврида очик концерт дастурларини соғиниб қолган кишилар ҳар бир ашула, ракс ва мусикавий чиқишларни гулдурас қарсақлар билан олқишлар, саҳнадаги кўшқич ва рақосаларни тақдоран яна ва яна ижрога тақдир этишар эди.

Шу кунини ўзбек тили байрами шодиёналари, кўнгилочлар тадбирлари мактабларда, меҳнат жамоаларида карантин талабларига риоя қилинган ҳолда давом этди.

Она тилимизнинг қадри, миллатимиз қадди баланд бўлаверсин!

И. Қурбонов,
Туман ҳокимлиги Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари.

А. Бўриев,
Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.

ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ПОСБОНЛАРИ



Юртимиз фуқароларининг тинчлиги, хавфсизлиги, саломатлиги, ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишда ички ишлар органлари ходимлари туну-кун хизмат қилишмоқда. 25 октябрь-ана шу захматкаш инсонлар байрами муносабати билан туман ҳокимлиги мажлислар залида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Қизирқ туман ҳокими И. Э. Юсупов Ички ишлар тизими ходимларини



касб байрамлари билан табриклади.

Шундан сўнг Исқандаров Жасур, Қосимов Тоир, Алимардонов Олим, Жумаев Жаҳонгир ва

бошқа бир қатор фидойи ИИБ ходимларига туман ҳокими қимматбахо совғалар топширди.

Бугунги пандемия даврида биз халқимиз тинчлигини асраш

билан бирга фуқароларимиз соғлиғига хавф солувчи корона-вирус тарқалишининг олдини олиш буйича қўлимиздан келган барча чора-тадбирларни қўлла-



моқдамиз. Мамлакатимизда кечаётган ўзгаришлар замирида аввало инсон ва унинг саломатлигини асраш зарурати ётади. Юзага келган жараёнда карантин қоидаларини жорий этиш ҳамда уларга амал қилиш, инсонларни ҳимоялаш, муҳофаза қилиш заруригини биз қалбдан ҳис этиб, ўз бурчимизни садодат билан адо этаверамиз. Деда туман ИИБ бошлиғи, подполковник Файрат Ҳўжамқулов.

Ҳамиша омон бўлинг, мард ва фидойи посбонлар!

Сессия

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Халқ депутатлари Қизирқ туман кенгашининг навбатдаги XIX сессиясида бугунги кунда долзарб бўлиб турган озик-овқат хавфсизлиги масаласи муҳокама этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 16 октябрь кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари қўриб чиқилган эди.

Ана шу чора-тадбирлар ижроси юзасидан тумандаги 4 та сектор раҳбарлари И.Э.Юсупов, Ж.А.Раҳимов, Ф.Ч.Ҳўжамқулов, Р.М.Сатторовлар депутатларга ахборот бердилар.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда Қизирқ туман аҳолисининг секторлар кесимида 2020 йил ноябрь ойидан 2021 йил май ойигача гўшт, туҳум, ун, ёғ, шакар, гурuch, картошка, пиёз, сабзига бўлган эҳтиёжини тўла қоплаш буйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, ҳоким ўринбосарлари, депутатлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш буйича кунлик назоратни ўрнатиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Сессияда халқ депутатлари Қизирқ туман кенгашининг 12-“Работак” сайлов округидан бўшаб қолган депутатлик ўрнига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида туман сайлов

комиссияси раиси М.М.Исаевнинг ахбороти тингланди ва мутлоқ кўп овоз билан сайланган Юсупов Илҳом Элмуродовичнинг депутатлик ваколати эътироф этилди.

Шунингдек сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишларнинг назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2721-сонли ҳамда 2019 йил 19 февралдаги ПҚ-4197-сонли қарорининг тумандаги ижроси ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қизирқ туманидаги Халқ қабулхонаси муdiri И.О. Холиков, “Жиноят ишлари буйича Қизирқ туман суди томонидан 2020 йилнинг 9 ойи давомида одил судловни амалга ошириш борасидаги ишлар” юзасидан жиноят ишлари буйича туман судининг раиси О.Ж. Қаримовнинг ахборотлари тингланди.

Сессия муҳокамасига киритилган шу ва яна бир қанча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Орамиздаги одамлар

-Болалигимда бобом: - "Бор болам, "ош худойи бўлапти. Югуриб-елиб хизмат қил. Савоб ол"- дедим мени "ош худойи"га жўнатарди. Мен ва мен тенги ўсимлар ким ўзарга хизмат қилардик..."

Уста Юсуп ақанинг болалик хотираларига қулоқ тутаману, унинг ҳаракатларидан кўз узмайман. У моҳирлик билан қўлидаги болалар пойфазалини шунчалик тез, сифатли тикаяптики, беихтиёр унга қўйил қоласан киши. Нафақат "Қорасув" маҳалласида, балки кўшни маҳаллаларда ҳам уста ақа пойабзалларни сифатли, ва арзон нархда таъмирлаши билан танилган. Хом-ашёси

гилган маблаг 200 кг ошга етгач, худойини ўтказишни бошлаймиз. Энг аввало уйда ётиб қолган ёки узрли сабаби борларнинг рўйхатини маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари билан тўзиб, уларнинг ҳолидан хабар оламиз. ...дейди уста.

Юсуп ақа билан сўхбатлашарканман, унинг маҳалладошлари эътироф этгандай самимий, фидойи,



БАЛАНД МАРТАБА

бўлса, завод ва фабрикалардан қолишмайдиган оёқ кийими ҳам тикадиган уста Юсуп мана-ман деган қосиблар билан бемалол беллашаолади.

-Уста ақа, маҳаллада "ош худойи", тўй ва маъракаларда жонкуярлик қилиб, елиб-югуришингизга болаликда олган тарбия сабаб эканда. Эшитишимча, маҳаллада "ош худойи" ўтказишни сиз бошлаб берган экансиз, -деб сўрайман.

У киши эса ишнини давом этдириб:

-Бундан 25 йиллар аввалроқ маҳаллада "дарवेशона" ўтказиларди. Дарवेशонада ҳамма топангани олиб келарди. Дарवेशона-ўз номи билан дарвешлар оши. Гоҳида шундай бўлардики, одамлар тайёрланган овқатни челақлаб олиб кетарди. Бошида бору, охири йўқ, Хуллас, бирикки йил бундай маросимларни чеккадан кузатиб юриб, охири "ош худойи" қилиш тақлифи билан чиқдим. Мулла Қудрат иккимиз халқимизнинг ёрдами билан биринчи ош худойини ўтказдик. Қурьон тиловат қилдириб, ўтганларни хотирладик, юрта баракка, тинчлик, омонлик тилаб, дуога қўл очдик. Мана шундан кейин ҳар қўламда шу маросимни ўтказамиз. Маҳалла фаоллари Абдуваидбой, Чорихонлар билан ош худойи ўтказишни эълон қиламиз. Аҳолидан йи-

меҳнаткаш инсон эканига амин бўлам. Маҳалладошларнинг тўйи борми, маъракаси борми, доимо улар билан ҳамнафас, елкадош турадиган бор инсонга "яхши одам" таърифи бежиз берилмаган экан.

-Юсуп ақа маҳалламиздаги энг ибратли инсонлардан. Фидойи, жонфаатли ишга бош бўлди. Маҳаллада тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун зарур идиш-товолқарини олиш тақлифи билан чиқиб, аҳоли кўмаги билан дош қозон, самовар, коса-товок, чойнак-пиёла каби буюмлар сотиб олдинди.

Уз меҳнати, жонкуярлиги билан элда азиз бўлган Юсуп ақадан ҳар қанча ўрناق олсак шунча кам. Элу юрт маңафатини кўзлаб иш қилаётган Юсуп ақага ўхшаш оддий, самимий, камтарин инсонлар учун одамлар ташвиши билан яшашнинг ўзи баланд мартабадир!

Баҳодир ҳарбий, ҳозирда Фаргона вилояти Сўх ҳарбий қисмида фаоли юритмоқда. Уста ақанинг 3 кизи турмушга чиққан, бахтли оила бекаси. Кенжа Иродаҳон ота-онасига ақин кўмакчи.


Ю.Холмўминов "Қорасув" маҳалласи аҳолиси учун яна бир манфаатли ишга бош бўлди. Маҳаллада тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун зарур идиш-товолқарини олиш тақлифи билан чиқиб, аҳоли кўмаги билан дош қозон, самовар, коса-товок, чойнак-пиёла каби буюмлар сотиб олдинди.

-2001 йили катта қизим Дилрабога тўй қилдим. Янгиободдан ижарага идиш-товок олдим. Йўл ҳаққи, ижара ҳаққи, кетган вақт, сарсончилик... Шунда маҳалла фаоллари маҳалламиз учун идиш-товок буюмлари олиш тақлифи билан чиқдим. Одамлар тўй қиламан деб идиш излаб кўчага чиқмасин. Бошқа маҳаллага сарсон бўлиб бормасин, дедим.

Зубо Йўлдошева, "Тараққиёт" муҳбири.

ХОНАКИ ТУСТОВУҚЛАР

Қишлоғимизнинг кун ботар тарафида икки-уч чакирим нарироқда Оқаланг ясси тепалиги бўларди, тепаликнинг ён атрофи қалин бутазорлар ва қамишзорлар билан қопланган. Маҳаллий овчилар Ясси тепалик атрофида келиб қуён ва тустовуқ овлаб кетганини неча бор кўрганман. Яқшанба куни дўстим ва синфдошим Одина билан қўлимизга таёқ олиб, Оқаланг тепалиги томон йўл олдик. Тепаликка бутазор оралаб борар эканмиз, лоп этиб бир каттакон қуён қочиб қолди. Ортдан қўлаб таёқ иргитдик. Менинг таёгим қалин бутазор устига бориб тушди. Таёқни олмақ учун энгашувдим, бутазорлар орасидан бир макийён тустовуқ учиб кетди. Буталар орасидан ё жўжалари ё тухуми бор деган уй ҳаёлимдан ўтди.



Болалик хотиралари

товуқ жўжаларини ташқарига эргаштириб чикди. Уй тухумидан чиққан жўжаларни курк товуқ ортидан эргаштириб чопкиллаб юрар эди. Тустовуқ тухумидан очиб чиққан жўжалар гоҳ эргашиб, гоҳ эргашмай ёт сираб турар эди. Орадан бир ярим икки ой ўтиб жўжалар анчамунча каттариб қолганди. Тустовуқ жўжалари ҳатто ўн-беш-йигирма метргача учиб борар эди. Бу ҳолатни кўриб:

"Буларни алоҳида хатакка қамаб дон-сув бериб қўяйлик, бўлмаса ҳафта ўн кунда учиб кетади" дедим энамга.

Эртаси тустовуқ жўжаларига алоҳида жой қилиб қамаб, дон ва сув бериб қўявердик. Кеч кузга бориб тустовуқ жўжалари йирик-йирик бўлиб қолган эди. Қиш бошида буларни ҳовли чикардик, қўлда дон-дун берганимиз учун биронтаси кетишга ҳаракат қилмади. Иккинчи йили баҳорга тустовуқлар тухум қўя бошлади. Тустовуқ тухумларидан ўн тўрттасини курк товуқка бостириб ташладик. Саратонда тухумлар очиб чиқиб, тустовуқ жўжалари билан белгилади. Уй тухумидан беш донасини босиб ётган товуқка бостирди. Оралдан уч ҳафтадан кўпроқ вақт ўтиб,

босиб ётган бўлса керак. "Энди нима қиламиз буларни?"- сўради у. Нима қилардик, уйга олиб кетамиз.- дедим.

-Пишириб еймизми буни? -Йўқ, уйда курк товуғимиз бор эди, энам кўшнлардан тухум сўраб юрган эди. Борамиз, бостирамиз-қўямиз.- дедим.

Тухумларни қаллапўшга солиб уйга келдик, воқеани энамга айтдик. Энам бизни койган бўлди.

ларини уясидан кўзгаб бекор қилибсизлар, макийён тустовуқ тухумини тополмай овора бўлди.- деди.

-Эна, курк товуғимиз борку, шунга бостирасак бўлмайми?- дедим.

-Майли, қўяқолайликчи. Энам тустовуқ тухумларини қозон қорақуяси билан белгилади. Уй тухумидан беш донасини босиб ётган товуқка бостирди. Оралдан уч ҳафтадан кўпроқ вақт ўтиб,

АДИРЛИКДА



Ховлиси ховлимизга туташ ён қўшнимиз Кўчкин бобонинг бебаси Холдон момо фарзандлари билан яшар эди. Фарзандларидан кенжа ўғли Одина синфдошим ва дўстим эди. Оила бошлиғи чўпон бўлганлиги учун бу оиланинг анча-мунча қўй-эчкилари бўлар эди. Баҳор келиб, довдарахтлар курткалаб барг ёзиб гуллаган кезлари қишлоғимизга туташ адирлик кўмкўк майсалар билан қопланар эди. Шундай кунларнинг бирини Холдон момо бизнига келиб энам билан сўхбатлашиб асносида дилдаги гапни тилига чикарди.

ган эдик, улар нимадандир хуркиб, ҳар томонга қоча бошлади. Биз молларни бир жойга тўплаб сайхонлик томон қарасак, Аллан бобонинг кўк эчкиси бир жойда қимирламай турибди. Эчкини "чиги-чиги" лаб чакирдик, шунда ҳам кўзғолмади. Чопкиллаб ўша томонга борсак, катта бир эчкемар эчкини эмиб турар эди. Таёқ отдик, таёқ зарбидан эчкемар бир сакраб тушдида қоча бошлади. Қувдик, қувдик, эчкиэмариб қарқаб яширганлигини англамай қолдик. Сўнг моллар томон келиб кўк эчкининг шохидан ушлаб турдим, Одина эса эмчага тугма-ларини бир-бир соғиб ташлади. Бу воқеани энамга айтган эдим, "Одина ҳар қанайга ўтган бўлса, эчкиларнинг ҳам ўзига яраша захри борда, эчкининг эмчақларини соғиб ташлаб тўғри қилган" деди. Аллан бобо яқшанба куни уйига чакирди, дўстим килиб бордик. Бизни Нордон момо кутиб олди ва ичкарига бошлади. Бобо тўрда кўрпача устида чордона куриб ўтирарди. Бизга ҳар икки ёнидан жой кўрсатди. Дастурлон тузилган экан. Ўрик, майиз, жийда қўйилган эди. Бобо бизга бир-бир пиёла чой узатиб, гап бошлади.

-Мен ҳам силардай вақтимда қишлоқ одамларининг чағанасини боқар эдим. У вақтлар мол ўғрлари кўп эди. Бу ёри тоғ томондан жондорлар молларга ташланиб турар эди. Қўйинчилиқни кўп кўрганман, болаларим деди. Биз ўрнимиздан тураётган эдик, бобо, тўхтанглар, ишорасини бериб, ўрнидан кўзгалдида, тоқчадан дафтар ва китоб олди. Аввал менга китоб ва бешта дафтар, Одинага ҳам шунча совға қилди. Биз ташқарига чиқиб, совғаларни кузатдик. Менга дафтар ва "Авазхон", Одинага ҳам дафтар ва "Равшанхон" дostonларини берган экан... Очил ХУДОЙБЕРДИЕВ.

БЕҲИНИНГ ҚОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА

Шифобахшлиги Пешоб ҳайдаш хусусиятига эга бўлгани учун юрак ва буйрак хасталиқларини тузатишда ёрдам беради; Баргларидан тайёрланган қайнатма гипертонияда кўп қўланилади; Жигар ва ичак касаллиқларини даволашда ўт ҳайдовчи дори ҳисобланади; Уруғи дамлаб ичилганда овоз бўғилиш, томоқ шамоллаши, ўпка яллиғланишига даво бўлади. Беҳи қайнатмаси Қандили диабет ва ҳафтон учун беҳи барги ва новдаси қуриб майдаланган ҳолда унинг 2 ошқоғи 2 стакан сувда паст алангада 30 дақиқа қайнатилди. Қайнатма ўз тафти билан совғач, сузиб олиб, шарбатидан 1 ошқоғидан кунига 3 маҳал ичилади.



Ибн сино беҳи ҳақида Беҳининг сиқиб олинган суви астмада фойдали. У қон туфлашни ҳам тўхтатади. Шунингдек, уруғи томоқ қирилишини йўқотиб, ўпка найини юмшатади. Чўғга қўмилиданга беҳи ичини қовлаб уруғи чикарилади ва ичига асал солиб усти лойланади, сўнг қўрга қўмилади. Бу истеъмол қилишда енгил озуқага айланади. (KUN.UZ)


ЭКОМУРОЖААТ

"Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлар" (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси II-боб, 50-модда).

Атроф муҳит тазалиги, ҳавонинг беғуборлиги инсон соғлигининг гаровидир. Шу тўғрйли ҳам табиат муҳофазаси барчамизнинг асосий бурчимиз ҳисобланади. Барг-ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ! Республикада кўзга кўриш қийин масвум бошланғич муносабати билан дархат барг-ҳазонларини йиштириб олган, ёқиб юборилиши каби ноҳуш ҳолатларнинг олдинчи олиш барча фуқаролар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вазифасидир. Дархат барг ҳазонлари ва уларнинг қолдиқлари ёниши натижасида нафас олаётган атмосфера ҳавосига жуда кўп микдорда зарарли (токсик) моддалар чиқишини эслатиб ўтаемиз. Жумладан: -углерод оксиди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Қизирик туман инспекцияси.

УЙДА ТУРИБ, ИСТАЛГАН ФАНДАН БИЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ

Барчангизга маълум, юртимизнинг барча худудларида ёшлар олий ўқув юртрага кириш максатига вилоят марказига борилади. Бу билан уйдигиларини хавотирга қўйиш билан бирга, анчамунча кўп харажат қилинади. Энг ачинарлиси, ота-оналар фарзандларининг қандай ўзлаштиришганини назорат қила олишмайди. Биз бунинг ечимини топдик. Оила бағридан чиқмасдан туриб, исталган фандан билим олиш имкониятини берувчи тизимни йўлга қўйдик. Фойдаланувчилар исталган вақтда, исталган фандан билим олишлари ва мунтазам равишда билимларини муастаҳкамлаб боришлари мумкин. WWW.paradise-edu.uz Интернет сайтга кириб дарслардан фойдаланиш мумкин. Платформамизда ҳар бир фандан ҳар бир мавзуга доир тест ва топшириқлар жойлаштирилган. Мавзунини ўзлаштирмадан кейинги мавзуга оид дарсни ўргана олмайсиз. Агар мавзу юзасидан берилган тести 60 фойздан юқори кўрсаткич билан баҳарсангизгина, кейинги дарсга ўта olasiz. Шу билан бирга сизнинг ўқувчунини билан тўғридан тўғри мулоқот қила олишингиз сизга мавзу юзасидан исталган саволингизга жавоб олиш имконини беради. Сиз ҳар ой барча фанлардан Давлат тест маркази стандартларига тўлиқ жавоб берадиган тестларни мутлақо бепул баҳарлиб, қанчалик имтиҳонга тайёр эканлигингизни билиш билан бирга, юртимиздаги барча ёшлар билан ўз билим даражанингизни таққослаб боришингиз ўзингизни бутун Ўзбекистон ёшлари орасида қандай даражада эканлигингизни билишга ёрдам беради. Энг аҳойиб жиҳати шундаки, дарслардан ўқувчунлар ҳам бирдек қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин. Имкониятни қўлдан бой берманг!!! 1-қadam WWW.paradise-edu.uz қурилмангиздан ушбу интернет манзилга



қирасиз. 2-қadam Рўйхатдан ўтиш тугмасини босиб, рўйхатдан ўтинг. Рўйхатдан фақат бир марта ўтишингиз сўралади!!! Рўйхатдан ўтганингиздан сўнг сизга сайт томонидан логин, парол ва ID код берилади. Уларни унутиб қўймаслигингиз керак. Чунки улар сизга кейинги сафар сайтга киришингизда сўралади. Рўйхатдан ўтган бўлсангиз, кейинги марта сайтга киришда кириш бўлимини танлайсиз. Логин ва паролни киритиб сайтга маълумотларни кўришингиз мумкин. Барча фанлардан биринчи видеодарси, маълумот, тест ва топшириқлар билан фойдаланувчилар учун очик. (Агар рўйхатдан ўтишда муаммоларга дуч келсангиз +998956500075 ва +998900750024 рақамларига кўнгирак қилиб операторларимиздан маълумот олишингиз мумкин) Шунингдек, FAQ бўлимига кириб, кўпинча сўраладиган саволларга жавоб топишингиз мумкин. Барча фанлардан видеодарс, топшириқ ва тестлар мавжуд. Физика, математика, она тили ва адабиёт, инглиз тили, рус тили, география, тарих, биология, кимё, мажбурий блок фанлари: Математика, она тили, ўзбекистон тарихи. Ҳар бир фанда 1-видеодарс, тест ва топшириқ бепул тақдим этилган. Ҳозирок кириб баҳо беринг, сизга маълум келса, ўқини давом эттирасиз. Тўлов турлари: Тўлов қилиш жуда қўлай. Беришган барча тўлов системаларидан тўловларини қабул қиламиз. (Ушбу кўчиргани маърифат жонкуярини бўлган ҳамкоримиз Ж.Исанов тақдим этган).

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

- Фуқаро Суянов Бобомурод Бингматовичга 1994 йилда берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда оғоқ-лантириш талони йўқолганлиги учун бекор қилинади.
Фуқаро Хасан Сирожилдин Холмирза ўғлига 2012 йилда берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда оғоқ-лантириш талони йўқолганлиги учун бекор қилинади.
Фуқаро Тиляков Жўманазар Ибрагимовичга 218 йил 27 мартда берилган АА № 02211239 рақамли Хайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги учун бекор қилинади.
Фуқаро Бойматов Ўткир Хўшбоқовичга 2001 йил 14 сентябрда берилган О"зР № 0865763 рақамли оғоқ-лантириш талони йўқолганлиги учун бекор қилинади.
Фуқаро Холияров Шавкат Амоновичга Қизирик туман ИИБ томонидан 2018 йил 1 июнда берилган АВ № 9737964 рақамли фуқаролик паспорти йўқолганлиги учун бекор қилинади.

Taraqqiyyot BOSH MUHARRIR: Chori ALIMOV MAS'UL NAVBATCHI: T. CHORSHANBIYEV. 190800 Manzil: Sariq shaharcha markazi, Mirzo Bobur ko'chasi, № 1-uy Tel: (76)35-91-149 Bichimi-A-2. Adadi-1500 Buyurtma G... Gazeta tahririyat kompyuter markazida terilib, sahifalandi. MATN TERUVCHI VA SAHIFALOVCHILAR: B. PARDAYEV, A. CHORIYEV. Bosishga topshirish soat 10.00. Bosildi: soat 12.00. Gazeta «Denov bosmaxonasi» MCHJ da chop etildi. Korxonа manzili: Denov shahri, SH. RASHIDOV ko'chasi, № 247-uy.